

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

**«ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ ВА СОҲАЛАРИГА
ИННОВАЦИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ»**

**мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси
тезислар тўплами**

2020 йил 15 май

**сборник тезисов республиканской научно-практической
конференция на тему:**

**«СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕХАНИЗМОВ ВНЕДРЕНИЯ
ИННОВАЦИЙ В СФЕРЫ И ОТРАСЛИ ЭКОНОМИКИ»**

15 май 2020 год

**Collection of thesis republican scientific and practical conference
on topic:**

**"IMPROVING THE MECHANISMS OF IMPLEMENTATION OF
INNOVATIONS INTO SPHERES AND SECTORS OF THE ECONOMY"**

May 15, 2020

Тошкент-2020

Шомуродов Р.Т. Монетар сиёсатни инновациялар асосида такомиллаштириш масалалари	116
Нуримова Н. Ж. Атиб «ипотека-банк» тизимида институционал трансформация жараёнларини оптималлаштириш ва ёш кадрлар захирасини шакллантириш истикболлари	119
Бобобеков Ф. Тижорат банкларини трансформациялаш жараёнида факторинг амалиётининг роли	122
Давронов Н. Ғ. Европа марказий банки томонидан амалга оширилаётган миқдорий юмшатиш сиёсатининг ўзига хос жихатлари	123
Бўтабоев М.Ш. Миллий иқтисодий инновацион ривожланишини тижорат банклари томонидан инвестицион молиялаштириш муаммолари	126
Рўзиқулов А.Қ. Тижорат банклари молиявий барқарорлик кўрсаткичларини қўллаш: Марказий осий мамлакатлари тажрибаси	127
Саидов Д.А. Абдиева М.А. Тижорат банклари пассивларини барқарорлигини таъминлашнинг инновацион йўллари ва уларнинг мамлакат иқтисодий ўсишига таъсири	130
Норова Н.Н. Норов А.Р. Тижорат банклари фаолиятига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш	133
Ганиев З.У. Джуманазаров Э.Б. Вопросы учета платежной системы в республике Узбекистана	135
Мухитдинова Д. Тижорат банклари фаолиятига инновацияларни жорий қилиш борасидаги муаммо ва ечимлар	138
Норов А.Р. Рақамли иқтисодий ривожлантиришда тижорат банкларининг ролини ошириш механизмлари	141
Мамажонов А. М. Banklarda innovatsion texnologiyalardan foydalanish mijozlarga yo'naltirilgan marketing uchun asosdir	144
Baymuradov Sh.M. Elektron to'lov tizimlari: Tahlil va xulosa	147
Мамадалиев Ш.Қ. Тижорат банклари томонидан кичик бизнесни молиялаштиришнинг янги шаклларини қўллаш	149
Турсунов Н. К. Валюта алмашинув курсининг ташқи савдога таъсири	150
Ёқубов М.В. Ат халқ банкини трансформация жараёнида инсон ресурсларини самарали бошқариш тизимини такомиллаштириш йўллари	152
Азларова А.А. Ўзбекистонда банк тизимида инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш масалалари	155
Зуннунова Х.М. Тижорат банкларини трансформациялаш жараёнида уларни бозор қийматида баҳолаш	157
Ибодуллаева М.Т. Тижорат банкларининг валюта операцияларини рақамли технологиялар асосида ривожлантириш имкониятлари	160
Махмудова М.Қ. Банк рискларини бошқаришнинг илғор тажрибалари	163
Хафизов А.С. Тижорат банклари депозит базасининг иқтисодий моҳияти ва истикболлари	165
Бақоев Н. Ғ. Ўзбекистон иқтисодий ривожлантиришда банкларнинг роли .	167

асосида ташкил этиш, хорижий тренерларни банкка жалб этиш, раҳбарлар ва ходимлар учун “мастер класс”лар, семинарлар, тренинглари, учрашувлар ташкил этиш, ҳамда банкнинг ҳар бир ҳудудий филиалли учун ўз тренерларини тайёрлаш, мамлакат миқёсида фаолият юритаётган маҳаллий ва хорижий олий таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш, бу орқали тизимдаги бўш иш ўринларини истиқболли кадрлар билан тўлдириш, керак. Мисол учун Тошкент Молия институти, Тошкент давлат Иқтисодиёт Унверситети, Жаҳон иқтисодиёти ва Дипломатия унверситети, ТАТУ, Инҳа Унверситети, Сингапур менежментни ривожлантириш Институти, Вестминстер Институти ва бошқалар.

Юқоридаги келтириб ўтилган омилларни ҳисобга олган ҳолда Халқ банкида HR бошқарув тизимни жорий этилиши натижасида, рекрутинг, HR аналитика, иш вақтини бошқариш ва назорат қилиш, ходимларни баҳолаш ва рағбатлантириш бўйича ягона комплекс тизимга эга бўлган, яхлид бошқарув тизимига эга бўлиши мумкин. Бу тизимни жорий этишда шубҳасиз, иш жараёнларни автоматлаштириш, замонавий IT технологиялардан самарали фойдаланиш ва мазкур жараёнда ходимларни янги рақамли ишлаш шароитларига мослаштириш учун уларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш зарурияти ҳам келиб чиқади. Бироқ шу ўринда ҳар қандай хорижий тажрибаларни жорий этишда, банкнинг ўзига хос бўлган хусусиятларини ҳисобга олиш, ҳамда ҳар томонлама таҳлил ва синовлар асосида, ҳамма учун қулай ва манфатли бўлган чора-тадбирлар кўриш муҳимдир.

ЎЗБЕКИСТОНДА БАНК ТИЗИМИГА ИННОВАЦИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

*Азларова А.А. – Тошкент давлат иқтисодиёт унверситети
“Банк иши ва инвестициялар” кафедраси, и.ф.н., доцент*

Банк тизимида рақамли иқтисодиёт инновацион технологияларидан фойдаланиш бу аввало, миқозлар билан иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш тизими ҳисобланганиб, унга онлайн-хизматлар, масофавий таълим, электрон тўловларни киритишимиз мумкин.

Ҳозирда, жаҳоннинг турли мамлакатларида рақамли иқтисодиёт, молиявий технологиялар, блокчейн тизимидан кенг фойдаланилмоқда.

Маълумки, республикамызда давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев томонидан рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш – келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди ва 2020 йил "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" деб эълон қилинди¹⁵⁵.

"Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" Давлат дастури¹⁵⁶нинг иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига оид қисми 15 та бўлим, ва 96 банддан иборат бўлиб, унда банкларни замонавийлаштириш, онлайн равишда банк хизматларини кўрсатиш масалаларига алоҳида эътибор берилган, жумладан:

- банк тизимида инсон омилини чеклаган ҳолда рақамли технологияларни кенг қўллаш;
- “кредит тарихи” ахборот тизимини тўлиқ ишга тушириш;
- Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкида “лойиҳалар фабрикаси” фаолиятини йўлга қўйиш учун йўналишлар кесимида бизнес лойиҳалар базасини шакллантириш

¹⁵⁵ <https://president.uz/>. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 25.01.2020.

¹⁵⁶ <https://lex.uz/ru/>. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” Фармони. ПФ-5953-сон 02.03.2020

каби вазифалар белгилаб кўйилган.

Шунингдек, Республикамизда Президент Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан иқтисодийнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгилашни назарда тутадиган рақамли иқтисодий миллий концепциясини ишлаб чиқиш, шу асосда “Рақамли Ўзбекистон-2030” дастурини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан қатор ишлаб амалга оширилмоқда.

Бошланган ишларнинг мантиқий давоми сифатида жорий 2020 йилнинг 28 апрель санасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли иқтисодий ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

Мазкур Қарор билан, рақамли иқтисодий ва электрон ҳукумат соҳаларида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ягона ваколатли орган этиб белгиланган, ҳамда Вазирлик қошида “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” ҳамда “Рақамли иқтисодий тадқиқотлари маркази” давлат муассасалари ташкил қилиниши кўзда тутилган.

Шунингдек, Қарорни ижросини таъминлашда, банк хизматлари йўналиши бўйича 12 та, электрон давлат хизматларида йўналиши бўйича 8 та лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан¹⁵⁷ :

-инвестициявий ва тадбиркорлик фаолиятининг турли шакллари диверсификация қилиш учун крипто-активлар айланмаси соҳасидаги фаолиятни, жумладан майнинг, смарт-контракт, консалтинг, эмиссия, айирбошлаш, сақлаш, тақсимлаш, бошқариш, суғурталаш, крауд-фандинг (жамоавий молиялаштириш) технологияларини жорий этиш;

-блокчейн технологияларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини яхши тушунадиган, амалий иш кўникмаларига эга малакали кадрларни тайёрлаш, шунингдек, юқори малакали хорижлик мутахассисларни жалб қилиш;

-крипто-активлар бўйича фаолият ва “блокчейн” технологиялари соҳасида халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш, шунингдек, илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда зарур ҳуқуқий базани яратиш;

-рақамли иқтисодий янада ривожлантириш учун инновацион ғоялар, технологиялар ва ишланмаларни жорий этиш соҳасида давлат органлари ва тадбиркорлик субъектларининг яқин ҳамкорлигини таъминлаш вазифалари белгилаб берилган.

Ҳаракатлар стратегиясининг 71-бандида барча хизмат кўрсатиш соҳаларида рақамли трансформацияни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилган¹⁵⁸. Давлат улушига эга бўлган банклар трансформацияси бўйича «йўл харита»ларини 2020 йил 1 июндан бошлаб амалга ошириш, шу жумладан аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини ошириш ҳамда замонавий чакана банк хизматлари турларини кўпайтириш чоралари белгиланган¹⁵⁹.

Фикримизча, рақамли трансформация – рақамли технологияни тадбиқ этиш орқали дунё бизнесининг янги шароитларга, жамиятнинг имтиёзларга мослаша оладиган муқаррар жараёни ҳисобланиб, инсонларнинг турмуш тарзини яхшилашга хизмат қилувчи восита ҳисобланади.

Бугунги кунда Ўзбекистон республикаси банк-молия тизимида ўз ечимини

¹⁵⁷ <https://lex.uz/ru/>. Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 3 июлдаги ПҚ-3832-сонли Қарори

¹⁵⁸ <https://lex.uz/ru/>. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947 сон Фармони. 07.02.2017 йил.

¹⁵⁹ <https://lex.uz/ru/> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодий ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” Фармони. ПФ-5953-сон 02.03.2020

кутаётган бир қатор муаммолар ҳам мажуд. Банк секторининг жаҳонда ҳажми кичиклиги¹⁶⁰ (86-ўрин).

Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг ҳажми (активлари) жихатидан ривожланган мамлакатлардан анча ортида қолаётганлиги. Иқтисодийнинг ривожлантириш мақсадларига эришиш учун юқорида айтилган активларни сезиларли даражада ўсиши зарур. 2019 йил давомида банк активларнинг умумий ўсиши 98% ни ташкил этди, бироқ бу таъсир 60% га валюта курсининг девалвацияси ва валюта активларининг пропорционал ўсишига боғлиқ. Давлатга қарашли банклар капитал ва кредит портфели нуқтаи назаридан устунлик қилади, аммо бу ҳолат ривожланаётган иқтисодий учун мақбулдир, чунки бу иқтисодийнинг стратегик муҳим соҳаларига кредит оқимларини йўналтириш имконини беради.

Молиявий тизимга аҳоли ўртасида ишонч даражасининг нисбатан пастлиги¹⁶¹ (60%), банк тизимининг ривожланиш суръатларини секинлаштиради ва иқтисоднинг яширин секторини сақлаб қолишга ҳисса қўшади, аммо инфратузилмани ривожлантириш ҳисобидан банк секторининг тарқалиши аста-секин ўсиб боради.

Банк тизимида инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш жараёни халқаро стандартлар асосида амалга оширилиши, ҳамда ликвидликни бошқаришнинг замонавий андозаларини жорий қилиш, ресурс базасини бошқаришга қўзланган бўлиши лозим. Шу билан бирга, чакана хизмат турларини ривожлантиришга эътибор қаратиб, риск менежменти инфратузилмасини ташкил этиш, рискларни бошқаришда чет эл тажрибасидан фойдаланиш, андеррайтерларни тайёрлашга йўналтирилган бўлиши керак.

Бунда, айниқса, кредит мониторинги жараёни, кредит рискларини баҳолаш ва бошқариш, банк ходимларида корпоратив маданиятни шакллантириш, уларнинг малакасини ошириш каби муҳим вазифаларга алоҳида эътибор бериш лозим. Шунингдек, банк тизимида трансформация жараёни банкда кредит ажратиш муддатини қисқартириш, кредит тўловларини мобил илова ва инфокиоскалар орқали амалга оширишни такомиллаштириш, кредит карталарни расмийлаштириш, мижозлар тўловларини куну тун режимида ишлашини ривожлантириш, онлайн кредитлар ажратилишини ва онлайн депозитлар жалб қилинишини янада ривожлантиришда инновацион ёндашувларни талаб этади.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИДА УЛАРНИ БОЗОР ҚИЙМАТИДА БАҲОЛАШ

Зуннунова Х.М. – Ўз. Р.Банк-молия академияси, таянч докторант

Бозор қиймати битим иштирокчи субъектлари манфаатларига мос келувчи, бозордаги конъюктуравий ўзгаришларни инобатга олган ҳолда, аниқ вақт ва маконда бизнес ёки активларга эгаллик қилиш ҳуқуқини бериш жараёнида шаклланган қийматдир.

Тижорат банкларининг бозор қийматини аниқлаш стратегик вазифа ҳисобланиб, бутун банк фаолиятини таҳлил қилишни талаб этади. тижорат банкининг баҳоланиш мақсадидан келиб чиққан ҳолда баҳолаш ёндашувларини танлаш, керакли маълумотлар базасини шакллантириш, баҳолаш учун асос ҳисобланувчи банк фаолиятини тўлиқ таҳлил қилиш жараёнларини амалга ошириш талаб этилади. Баҳолаш стандартлари мавжуд маълумотлар манбалари ва баҳолаш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда аниқ баҳолаш усуллари белгиланади. Замонавий баҳолаш ишида бизнес бир қанча усул ва ёндашувлар асосида баҳоланиб, уларни шартли равишда уч йирик гуруҳлар, яъни ёндашувларга бўлиш мумкин: даромадлар, харажатлар ва бозор (баъзи адабиётларда қиёсий).

¹⁶⁰ Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш Стратегиясининг концепцияси. 487 бет. <https://uzbekistan2035.uz/uzbekistan-2035/> -258 бет.

¹⁶¹ Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш Стратегиясининг концепцияси. 487 бет. <https://uzbekistan2035.uz/uzbekistan-2035/> -259 бет.